

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ БУХОРО ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

КУРС ИШИ

Мавзу: шахсни жамоада тарбиялаш технологияси

Бажарди:

Ахмедова Сабина

Илмий раҳбар п.ф.н., доцент А.Т.Гулбоев

РЕЖА:

КИРИШ_____ **2-3 б**

1. Шахс ҳақида тушунча, шахс тарбияси, камолоти____ **4-10 б**

2. Шахсни ривожлантирувчи асосий омиллар_____ **11-18 б**

**3. Шахсни камол топширишда тарбия, ривожланиш ва фаолиятнинг
ўзаро боғлиқлиги**_____ **18-24 б**

4. Шахсни жамоада тарбиялаш технологияси_____ **24-30 б**

5. Хулоса_____ **30-32 б**

6. Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

Дунёга келган гўдак маълум ёшга қадар индивид ҳисобланади. “Индивид” лотинча "индивидуум" сўзидан келиб чиққан бўлиб, “бўлинмас”, “алоҳида”, "ягона" маъноларини англатади. Индивид биологик турга кирувчи алоҳида тирик мавжудотдир.

Шахснинг шаклланишида ҳаракат ўзига хос омил саналади. Гўдак (чакалок) ҳам турли ҳаракатларни қилади. Бироқ, бу ҳаракатлар кейинчалик шартли рефлекслар бўлиб, онгли равишда эмас, балки шартсиз ва шартли кўзўлатувчиларга жавоб тарзида юз беради.

Гўдакда нутқнинг ҳосил бўлиши, шунингдек, унинг томонидан ташкил этилаётган ҳаракатлар онгли равишда содир бўла бошланиши ва албатта, ижтимоий муносабатлар жараёнидаги иштирокининг рўй бериши шахс шаклланишининг дастлабки босқичи ҳисобланади.

Шахс деганда муайян жамиятнинг аъзоси тушунилади. Одам-инсон индивиди шахсга айланмоўи учун руҳий жиҳатдан тараққий этган, ўз хусусияти ва сифатлари билан бошқалардан фарқ қилиши лозим.

Ҳар бир одам шахс сифатида турлича намоён бўлади. У ўзининг хусусияти, қизиқиши, қобилияти, ақлий жиҳатдан ривожланганлик даражаси, эҳтиёжи, меҳнат фаолиятига муносабати билан бошқалардан фарқланади. Булар шахснинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, мазкур хусусиятлари ривожланиб маълум бир босқичга етсагина у камол топган шахс сифатида намоён бўлади. Шахс ижтимоий муносабатлар жараёнида қарор топади.

Шахснинг ривожланиши аввало унда шахсий хислатларнинг шаклланиши билан бошланади. Ривожланиши ўзида шахснинг жисмоний, ақлий ва бошқа хислатларнинг тақомилини намоён этадиган жараён бўлиб, бундай хислатларнинг туўма, баъзилари кейинчалик эришган бўлади.

Шахс номини олиш учун нималар керак?- деган саволнинг туўилиши табиийдир. Одам ижтимоий мавжудот сифатидан шахсга айланиши учун унга

ижтимоий - иқтисодий ҳаёт шароитлари муҳит ва тарбия керак бўлади. Ана шулар ҳамда шахснинг наслий хусусиятларининг такомиллашиб бориши одамнинг ривожланиши, шахс сифатида намоён бўлишини таъминлайди.

Одам боласининг шахс сифатида ривожланишини, унинг ҳар томонлама камолга етиши учун педагогика фани шахс ривожланишининг умумий қонуниятларини, унга таъсир этадиган омилларни, ривожланиш жараёнига алоқадор босқичларни аниқлаши керак. Шунингдек, бола шахсининг ривожланишида фаолиятининг ўрни ва аҳамиятини ҳам ўрганиши лозим.

Биз юқорида “ривожланиш” тушунчасини жуда кўп ишлатдик. Энди ушбу тушунчага атрофлича ёндошиб, таъриф беришга ҳаракат қилайлик. Одам биологик мавжудот саналади, табиий, биологик ва ижтимоий қонуниятларга бевосита бўйсунди.

Бошқача қилиб айтганда, шахс, инсон тирик организмдир, шу сабабли унинг ҳаёти биологиянинг умумий қонунларига, ёшлар анатомияси ва физиологиясининг махсус қонунларига бўйсунди. Булардан ташқари одамнинг комил инсон бўлиб етишувида аниқ мақсад асосида ташкил этилган хатти-ҳаракат, ирода сифатларининг камол топиши асосида айрим нуқсонларнинг бартараф этилиши қийинчиликларни енгиб ўтишга бўлган ишончи ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, ҳаёти давомида инсон жисмоний ва психик жиҳатдан ўзгариб боради. Лекин болалик, ўсмирлик ва ўспиринлик даврида ривожланиш ниҳоятда кучли бўлади.

Бола мана шу йилларда ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан ўсиши, ўзгариши туфайли шахс сифатида камолга етади, бунда берилаётган тарбия мақсадга мувофиқ таъсир этиши натижасида бола жамият аъзоси сифатида камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар системасида ўзига муносиб ўрин эгаллайди.

Шахс Ҳақида тушунча, шахс тарбияси, камолоти

Анатомик ва физиологик характердаги ўзгаришлар жисмоний ривожланишга тааллуқлидир. Одам бўйининг ўсиши, гавда оғирлигининг ортиб бориши, гавда тузилишининг ўзгариши, қон босими, ўпка сиғими, таянч-ҳаракат апаратининг ҳолати ва бошқалар жисмоний ривожланиш кўрсаткичларидир.

Рухий жараёнлар ва бола руҳиятидаги ўзгаришлар, чунончи, диққат ва хотира даражаси, тафаккур хусусиятлари, сўз бойлиги ҳамда нутқнинг ривожланганлик даражаси ва бошқалар руҳий ривожланишга тааллуқлидир.

Шахс ривожланишида у ёки бу фаолият турлари (ўйин, ўқиш, меҳнат ва бошқалар)нинг турли ёшдаги фаолиятлар мазмуни (мақсадга йўналтирилганлик, ҳаракатнинг онгли, режали бўлиши, уларнинг самарадорлиги ва ҳ.к) шунингдек, алоқа, муомала ҳамда кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар мазмуни, ижтимоий-ахлоқий меъёрларга бўйсуниб, ижтимоий бурчни англаш, унга нисбатан масъуллик каби хусусиятлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Шахснинг шаклланишида шахсий хислат ва сифатларнинг ривожланиб, тараққий этиб бориши муҳим ўрин тутди. Шахс сифатларини тўғри аниқлаш учун турли муносабатлар жараёнида уни ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда таълим-тарбия тизими кадрларнинг янги авлоди тафаккурини, онгини шакллантиришга хизмат қиладиган зарур бир соҳа сифатида намоён бўлаётган экан, шахс таърифи ҳам бирмунча ойдинлашади. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмига кирган "шахс" қуйидагича таърифланади:

Шахс - кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчиси.

Демак, шахс - ижтимоий муносабатлар маҳсули бўлиб, онгли фаолият билан шуғулланувчи ижтимоий мавжудот сифатида жамиятда ўз ўрни бор.

Шахснинг ривожланиши эса барча туўма ва ҳосил қилинган хусусиятлар: организмнинг анатомик тузилиши, физиологик ва психологик хусусиятлар, фаолият ва хатти-ҳаракатнинг миқдорий ва сифати ўзгариш жараёнидир.


Шахсни ривожлантирувчи асосий омиллар

Инсон ҳаёт экан, бутун умри давомида ўсиб, ривожланиб, ўзгариб боради. Болалик, ўсмирлик ва ўспиринлик йилларида шахснинг камол топиши яққол кўзга ташланади.

Ривожланиш деганда биз шахснинг ҳам жисмоний, ҳам ақлий ва маънавий камол топиш жараёнини тушинамиз. Педагогика ва психология фани ривожланишни биологик ва социал хусусиятлари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган бир бутун нарса деб ҳисоблайди. Одам боласининг шахс сифатида ривожланиши ҳар томонлама камол топишининг самарали бўлишига эришиш мақсадида педагогика фани ривожланишининг қонуниятларини унга таъсир этувчи омилларни шунингдек, шахс камолотида таълим ва тарбия ҳамда фаолиятининг таъсири ва аҳамиятини аниқлайди ва таҳлил қилади. Шахс ривожланишига ирсият, муҳит ва тарбия каби омиллар таъсир этади.

Шахснинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар қуйидаги шаклда акс эттирилган. (1-шакл).

(1 –шакл)



Ирсият - бу ота қони ёки аجدодларига хос бўлган биологик хусусият ва ўхшашликларнинг наслга (болага) ўтиш жараёнидир.

Наслдан-наслга ўтадиган хусусиятларга қуйидагилар киради:

Анатомик-физиологик тузилиш (мисол учун юз тузилиши), органлар ҳолати, қадди-қомат, асаб тузилиши хусусиятлари, тери, соч ҳамда кўзларнинг ранги. Шунингдек, нутқ, тафаккур, ихтиёрий ҳаракат ва амаллар, вертикал ҳолатда юриш, меҳнат, ижод қилиш қобилияти ва бошқа истеъдод аломатлари ҳам наслдан-наслга ўтади. Истеъдод аломатлари умумий хусусият касб этади, муайян меҳнат ва ижод турига йўналтирилган эмас. Истеъдод аломатлари муайян фаолиятга мойилликни акс эттиради ҳолос.

Маълум оилада тарбияланаётган болада аждодларига хос истеъдод нишонаси акс этганда, айнан ана шу истеъдоднинг шаклланишида муҳим роль ўйнаган, унинг ривожланиши учун қулай имкониятларга эга оила муҳитини назардан четда қолдирмаслик лозим.

Физиология ва психология фанлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, инсон боласи тайёр қобилият билан эмас, балки бирор бир қобилиятнинг рўёбга чиқиши ва ривожланиши учун манба бўлган лаёқат билан туўилади. Лаёқат гўё “мудроқ” ҳолатда бўлиб, унинг “уйғониши” - ривожланиши учун қулай муҳит яратишни талаб қилади.

Шахс муайян ижтимоий жамият маҳсулидир. Шахснинг ҳаётий фаолиятида ижтимоий муҳит унга ёки ижобий, ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ижтимоий жамият шахс имкониятларини рўёбга чиқариши ёки йўқ қилиши мумкин. Бу жамиятнинг маънавий қиёфаси, унда ташкил этилаётган муносабатлар мазмуни ҳамда даражасига боўлиқ.

Муҳит деганда шахснинг шаклланишига таъсир этувчи ташқи олам воқелик, ҳодисалар мажмуи тушунилади. “Муҳит” тушунчаси ўзида географик-худудий, ижтимоий ва микро муҳит (оила) хусусиятларини ифода этади.

Микромуҳит ўзида қисман ижтимоий муҳит қиёфасини акс эттиради. Айни чоўда у нисбатан мустақилликка эга. Микромуҳит, бу ижтимоий

муҳитнинг бир қисми бўлиб, оила, мактаб, дўстлар, тенгқурлар, кишилар ва шу кабиларни ўз ичига олади. Болани қуршаб турган муҳитда ижобий ва салбий ривожлантирувчи ва инқирозга элтувчи ҳодисалар мавжуд. Агар бола ўз туўма лаёқатига мос шароитда ўсиб, зарур фаолият билан шуғулланса, лаёқат эрта кўриниб ривожланиши, аксинча, бундай муҳит бўлмаса йўқ бўлиши ёки “мудроқ”лигича қолиб кетиши ҳам мумкин. Бундан ташқари одоб, ахлоқ, ҳулёкий сифатлар, шахснинг барча руҳий сифатлари фақат муҳит ва тарбиянинг ўзаро таъсири асосида вужудга келади.

Педагогика ва психология фанлари ижтимоий муҳит, унда шахснинг шаклланиш жараёнига таъсири ролига алоҳида эътибор беради. Ижтимоий воқеа ва ҳодисаларнинг шахс ривожига таъсири ўоят муҳим эканлигини таъкидлаган ҳолда, улар ижтимоий муҳит абадий эмас, у ижтимоий-тарихий қонуниятлар таъсири остида ўзгариб боради, дея таъкидлайдилар.

Оила муҳити - микро муҳит ҳам ўзига хос муҳим тарбиявий таъсирга эга. Шу боис, мустақилликка эришилгандан сўнг ўтган давр мобайнида оила муҳитининг шахс камолотида тутган ўрни ва аҳамияти масалалари чуқур таҳлил этилмоқда. Шу мақсадда ташкил этилган “Оила” илмий маркази оиланинг бу борадаги имкониятларини очиб бериш борасида самарали фаолият олиб бормоқда.

Мавжуд ижтимоий муҳит инсоннинг ўсиб бораётган онгига таъсир этади. Ижтимоий тузум даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг шахсга нисбатан онгли таъсири ҳам шунчалик юқори бўлади. Ушбу таъсир ижтимоий жамиятдаги мавжуд тарбия тизими орқали амалга оширилади.

Тарбия – бирор мақсадга йўналтирилган жараён бўлиб, у муайян даражадаги дастур ўоялари асосида махсус касбий тайёргарликка эга бўлган кишилар томонидан ташкил этилади.

Тарбия ижтимоий муҳит орқали келадиган тарбиявий таъсирларнинг барчаси билан боўлиқ ҳолда таъсир қилади. Бунда қулай омиллардан фойдаланилади, салбий таъсирларнинг кучини маълум даражада

камайтиради. Муҳитнинг таъсири стихияли, тарбиянинг таъсири эса мақсадга мувофиқ олиб борилади.

Тарбия жараёнида қуйидаги ҳолатлар вужудга келади:

1. Тарбия жараёнида киши онгининг ўсиши содир бўлади. Масалан, бола ўз она тилини атрофини ўраб турган муҳитнинг таъсирида ўрганиб олиши мумкин. Лекин ўқиш ва ёзишни махсус таълим йўли билангина ўрганади. Маълум билим кўникма ва малакалар фақат тарбия жараёнида эгалланади.

2. Тарбия ёрдамида ҳатто, кишининг баъзи туўма камчиликларини ҳам керакли томонга ўзгартириш мумкин. Чунончи, баъзи бир болалар айрим камчиликлар билан туўилади. (кар, кўр, соқов ва Ҳ.к). Лекин махсус ташкил этилган тарбия ёрдамида уларнинг ақлий қобилиятлари тўла тараққий қилади, туўма камчилиги бўлмаган кишилар билан баробар фаолиятда бўлиши мумкин.

3. Тарбия ёрдамида муҳитнинг салбий таъсири натижасида юз берган камчиликларни ҳам тугатиш мумкин. (болаларнинг карта қимор ўйнаши, чекиши, ичиш ва наркотик моддаларга ўрганиш кабилар ва Ҳ.к).

4. Тарбия истиқбол мақсадни белгилайди. Шу боис, у шахс камолотини таъминлашда илўор роль ўйнайди.

Тарбиянинг муваффақияти кўп жиҳатдан бола шахсининг ўзига хос хусусиятлари, у яшаётган муҳитнинг таъсирини ҳисобга олишга боўлиқдир. Шунини ёдда тутиш керакки, бола мажбур бўлган микромуҳит мазмунини унинг ривожланишига таъсир этувчи кишилар ва улар билан ўрнатилган алоқа моҳияти белгилайди. Бола оила аъзолари, тарбиячи, ўқитувчи, ўртоқлари, оилага яқин кишилари билан муносабатда бўлади. Ушбу муносабатлар боланинг ривожлашида ўят муҳим роль ўйнайди. Болага уларнинг таъсири ўзаро муомала-муносабати бўлади. Ана шу алоқа асосида бола аждодлар тажрибасини ўзлаштиради, ўзи учун андоза танлайди.

Бола ва катталар ўртасидаги ўзаро муносабат фаол жараёндир. Мазкур жараёнда катталар фақатгина ўргатувчи бўлиб қолмасликлари лозим.

Шундагина у ўз ҳаракатларини ўзи идора қилишга, ўз фаолияти мазмунини таҳлил қилишга ўрганади. Бола фикр қилар экан, ўйлар экан, унинг онги, тафаккури ўсади.

Ижтимоий муносабатлар жараёнида нутқ ривожланади. Чунки жамиятда бола катталар, тенгдошлар, тарбиячилар ва турли жамоалар куршовида бўлар экан, у саволлар беради, кузатади, мулоҳаза қилади. Ҳаётий воқеа-ҳодисаларни тушунишга, яхшини ёмондан ажратиб олишга, ўз ҳаракатларини давр талабига мослаштиришга уринади. Ҳар бир ижтимоий жамиятда тарбиянинг мақсад ва вазифалари, ахлоқ меъёрлари, маданий бойликлар, жамият аъзоларининг диди, ах-лоқий қарашлари, дунёқарашлари, эътиқодлари ўзгариб боради ва улар тарбия воситасида болалар онгига сингдирилиб борилади.

Бола шахснинг ривожланиши учун фаол кундалик фаолият зарур. Фаолият ёрдамидагина бола атроф-муҳит билан муносабатда бўлади, шу орқали унинг билиш қобилияти ривожланади, тафаккур қилиш даражаси юксалади, характер сифатлари такомиллашиб, камол топади.

3. Шахсни камол топширишда тарбия, ривожланиш ва фаолиятнинг ўзаро боғлиқлиги

Президентимиз таъкидлаганидек, шахс ижтимоий ҳаётнинг маҳсули экан, у албатта, болани ўраб олган муҳит таъсирида ривожлантиради. Шахснинг ҳаёти фаолияти давомида муҳит унга ё ижобий, ё салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу таъсир ривожланиш имкониятларини рўёбга чиқариши ёки йўқ, қилиши мумкин.

Муҳит - бу шахсга таъсир этувчи ташқи воқеа ва ҳодисалар комплекси. Булар: табиий муҳит (географик, экологик) ижтимоий муҳит (шахс яшаётган жамият) оила муҳити ва бошқалар киради. Булар орасида ижтимоий муҳитнинг, яъни шахс яшаётган жамиятнинг инсон камолоти учун яратилган имкониятлари муҳим рол ўйнайди. Шахс ривожланишига эришиш

хар бир жамиятда амалга оширилаётган тарбия тизими орқали амалга оширилади.

Фақат тарбия орқали инсондаги ривожланиш имкониятларини рўёбга чиқариш мумкин. Тарбия жараёнида аниқ мақсад ва режа асосида шахсга таъсир этилади.

Бунинг натижасида муҳитдаги воқеаларнинг тўўри ижобий таъсирини амалга ошириш имкони туўилади. Муҳит Бера олмаган нарсалар тарбия орқали ҳосил қилинади, ҳатто тарбия туфайли шахсда туўма камчиликларни ҳам ўзгартириб шахсини камолга етказиш мумкин. Бундан ташқари муҳитнинг салбий таъсири туфайли тарбияси издан чиққанларни ҳам қайта тарбиялайди. Ривожланиш шахс фаолиятидан ташқарида бўлмайди. Шу сабабли одам фаолияти унинг ривожланиши учун асос бўлади. Педагогик жиҳатдан тўўри уюштирилган ҳар қандай фаолият хоҳ ўйин, меҳнат, ўқиш, спорт ва бошқалар шахснинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Инсоннинг камол топиш жараёнини фақат ирсият, муҳит ва таълим-тарбияга боўлаб ўрганиш, талқин қилиш ҳам ҳақиқатга унчалик тўўри келмайди. Чунки ижтимоий тараққиётда шахснинг ўзи ҳам фаол иштирок этади.

Айтиш мумкинки, ижтимоий муҳит, таълим-тарбия шахснинг ўзи фаол иштирок этгандагина унинг туўма лаёқатини уйўотади, истеъдод қобилиятларини ўстира олади. Агар киши ўз ишини севса, унинг шу соҳадаги истеъдоди тезроқ ва кучлироқ рўёбга чиқа бошлайди.

Қобилият ва истеъдоднинг рўёбга чиқишида инсоннинг муайян фаолиятга қизиқиши билан бир қаторда унинг ўз устида ишлаши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Истеъдодли кишилар-иқтидор кучини тўла рўёбга чиқариши учун ўз устиларида тинмай ишлашлари, меҳнат қилишлари шарт. Масалан, машҳур грек нотиўи Демосфеннинг (эрамиздан олдин. IV аср) омма орасидаги дастлабки нутқлари муваффақиятсизликка учраган. Демосфен дудуқ, овози хаста, қисқа-қисқа нафас оладиган киши эди. У доимо бир елкасини ўгириб турар эди. Демосфен ўз камчиликларини тузатиш учун ўзи устида тинимсиз ишлади: у оўзига майда тошлар ва сопол парчаларини солиб,

сўзларни талаффуз қилишни ўрганди, денгиз бўйида тўлқинлар шовқинида нутқ сўзлади, қояларга чиқиб баланд овоз билан шеърлар ўқиди, ойна олдида туриб юз ҳаракатларини бир маромга келтирди. Уй шифтига қилични осиб қўйди, у одати бўйича елкасини ҳар ўғирганда, қилич елкасига санчилар эди. Демосфен ҳафталаб уйдан чиқмасдан нотикликни ўрганиши учун сочини ярмини қирдириб ташлади. Охир-оқибат ўзи кўзлаган мақсадга етиб шуҳрат қозонади.

Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Масалан, Алишер Навоий, Ибн Синоларнинг кунт билан, ҳатто кечалари ухламасдан китоб мутолаа қилганлари-ю, Амир Темурнинг ҳарбий санъатни эгаллаш борасидаги меҳнатлари фикримизнинг далилидир.

Машҳур кишилар ҳаётини ўрганиш шуни кўрсатадики, уларнинг ижодий фаолиятларидан асосий нарса узлуксиз излана билиш, ойлаб, ўз олдиларига қўйилган мақсад учун интилиш, курашиш, унга етишиш йўллари излашдан чарчамаслик, мақсадга эришиш йўлидаги муҳим омилдир. Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи ўзининг педагогик фаолияти даврида ўқувчиларга таълим-тарбия бериш билан бирга уларга фан асосларини чуқур сингдириб боришни ўз олдиларига мақсад қўйиши ва уни рўёбга чиқариш учун тинмай изланиш, меҳнат қила олиш қобилиятларини, кучли ирода ва қатъий характерини тарбиялаб боришлари лозим.

Табиийки, ўқувчиларнинг ўз мақсадларига эришишлари учун мактабда олган билим, кўникма ва малакалари камлик қилади. Улар юксак мақсад йўлида ўз устиларида тинмай изланишлари, ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этишлари лозим.

Бахтга қарши, ўқитувчилар орасида болалар тарбиясида муҳим ўрин тутувчи омиллар ва уларнинг аҳамиятини билмайдиган нўноқ ўқитувчилар ҳам учраб туради. М: Айрим ўқитувчилар улгурмовчи, ўқишдан орқада қолувчи ўқувчилардан қутулиш йўллари ахтарадилар. Уларни ё синфда қолдириш ёки бошқа мактабга ўтказиш йўллари қидирадилар ва бунга

эришадилар ҳам. Бу каби чораларни қўллаш билан биз ўқувчилар тарбиясини ташкил этишда кўзлаган мақсадга эриша олмаймиз.

Фанлардан ўзлаштира олмаган ўқувчиларни қобилиятсиз дейиш хато, ўқитувчининг биринчи галдаги вазифаси ҳар бир ўқувчининг ёшини ва психологик хусусиятини чуқур ўрганиши, унинг қизиқиши ва истакларини аниқлаши, уларни ҳисобга олган Ҳолда педагогик чора-тадбирларни қўллаши лозимдир. Умуман, педагогик жиҳатдан тўўри уюштирилган ҳар қандай фаолият бола шахсининг ақлий, ахлоқий, эстетик, жисмоний ҳамда иродавий ривожланишига ижобий таъсир этади.

Педагогика фани шахс ривожланишида тарбиянинг етакчилик ролини эътироф этиш билан бирга уларнинг ўзаро муштараклигини ҳам тан олади.

Рус педагоги К.Д.Ушинский таъкидлаганидек, педагогика фанининг энг муҳим вазифаси шахс ривожланишини ҳар жиҳатдан ўрганишдир ва ўқитувчининг ишда муваффақият қозониш шарти ўз ўқувчиларининг ҳислат ва хусусиятларини билишдир.

Биз инсон тарбиясига оид таълимотдан ҳозирги даврда ҳар томонлама камол топган эркин, барқмол инсонни шакллантиришда фойдаланиш, уни таълим-тарбия таркибига киритиб, ҳаётга тадбиқ этиш энг муҳим талаблардан деб ҳисоблаймиз.

Шу мақсадда педагогик фикрлар тараққиёти жараёнида барқамол инсон тарбиясига оид тажрибаларни ҳаётга тадбиқ этишни қуйидаги йўналишда олиб бориш мумкин:

1. Педагогика олий таълим муассасалари ва коллеж, лицейлар учун «Педагогика»дан олий ўқув курси мазмунига киритиш.
2. Педагогика олий таълим муассасалари, ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежлари учун «Маънавият асослари» ўқув фанларини ўқитишда фойдаланиш.
3. Умумий таълим мактабларининг 8-9 синфларида таълим жараёнида фойдаланиш.

4. Таълим самароадорлигини оширишда таълим-тарбия метод ва шаклларига оид тавсиялар ишлаб чиқиш.

Қадимий бой меросимизнинг қимматли манбаларини юзага олиб чиқиш, уни ҳозирги замон илмий-педагогик тафаккури истеъмолига киритишдан мақсад аجدодларимизнинг маънавий-ахлоқий ривожланиши, тарбияси, инсоният тафаккури тарихи, унинг жамият ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий ривожланишида тутган ўрни ва мавқеини билиб олиш ҳамда янги давр шароитида баркамол шахсни шакллантиришда фойдаланишдан иборат.

Бунда талабаларга риоя этиш назарда тутилади:

-талабаларинг миллий-маърифий қадриятларни ўрганишда тайёргарлик даражасини ҳисобга олиш;

-таълим-тарбиядаги изчилликка риоя этиш;

-унинг илмийлиги ва миллийлигига эришиш;

-миллий-маърифий ва умуминсоний қадриятларни уйғунликда ўрганишга эътиборни қаратиш;

-миллий-маърифий ва умуминсоний қадриятларнинг усутуворлигига эришиш ва бошқалар.

Маълумки, ўзбек халқи узоқ йиллар давомида шаклланиб келган хулқ-одоб қоидалари негизида ўзига хос турмуш одобига эга. Бу маънавий меросимсиздан замонамиз ёшлари Ўзбекистон Республикасининг жаҳон миқёсига чиқишида фойдаланишларини тақозо этади. Зеро, жаҳон мамлакатлари билан ўрнатилган дипломатик алоқалар ёшларни ўтамаданиятли, хулқ-одоб қоидаларини биладиган ва уларни янги жамият турмуш тарзида қўллай оладиган баркамол шахс сифатида намоён бўлишини талаб этади.

Таълим-тарбия тарихида мутафаккирларимиз баркамол инсонни тарбиялашда илмий билимларни ўрганишда катта аҳамият берганлар. Яратилган ҳар бир рисола, ҳар бир таълимий-ахлоқий асар ўзига хос таълим ва тарбия жиҳатдан маълум қимматга эга.

Шунинг учун ҳам бу асарларда иснони ақлий, ахлоқий, жисмоний жихатдан камол топтиришнинг мақсад ва воситалари, турли услублари, усуллари ўз ифодасини топган., ёшларда билимларни чуқур ва тез эгаллаш қобилиятлари, кучли хотира, зукколик, ўткир зинҳ, ёд олиш қобилияти кабиларни тарбиялаш йўллари баён этилган. Демак, таълим-ахлоқий асарлардан мисоллар танлашда ва таълим жараёнида талабаларни фикрлашга ўргатиб, тафаккурини ривожлантириш, билим олишга қизиқишини ошириш зарур. Айни пайтда ўйтиш учун мос бўлган илмий мунозара, шарҳли ўрганиш, муаммоларни ҳал этиш, кузатиш, савол-жавоб, билимларни синаш, кўргазмали тажриба каби усулларни қўллаш яхши натижалар беради.

Ҳозирги даврда билимлар кўпроқ ҳаммага бир хил, тайёр ахборот тарзида етказилмоқда. Натижада, болалар дарсларда зерикиб, билим олишга қизиқиши пасайиб кетмоқда. Ўтмиш таълим тажрибасидан фойдаланилган ҳолда таълим услубларини ҳар бир талабанинг қобилиятини намоён этишга, зеҳнини ўткирлашга, тафаккурини ривожлантиришга қаратиш керак. Натижада, аъло яхши ўртача ўзлаштирган талабалар ажратилиб, улар билан машғулотлар ҳам ўзига хос индивидуал тарзда олиб борилгани маъқул.

Иқтидорли талабаларга бериладиган билимлар ҳажми ортирилиб, уларнинг адабиётлар билан мустақил шуғулланишига кўпроқ эътибор бериш зарур. Иқтидорли талабаларни мактаб ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимида талаб этиладиган билим ҳажмини ўзлаштириб, маълум синовдан ўтгач, ўқишни муддатидан олдин битириш имкониятига эга этиш керак.

Ҳар бир ўқитувчи талабаларга бериладиган умумий билимлар билан бир қаторда санъат сирлари, муаммо ечиш маҳорати кабилар билан таништириб бориши муҳимдир.

Талабаларга зеҳни тарбиялаш, билимларни мусатаҳкамлаш, узоқ эсда сақлаб қолиш, тафаккур қобилиятини ривожлантиришга ҳам катта эътибор бериш зарур. Бу мақсадда чистон (топишмоқ)ларни ечиш, , адабий асарни шахрлаш ва изоҳлаш кабилардан фойдаланиш каби усуллар талабани рағбатлантиради, унинг ўқишга бўлган қизиқишини оширади.

Ўтмишда муаллим ва мударрислар кўпроқ муҳокама, мунозаралар уюштириб, мавзунини ёки маълум бир матнни шарҳли-изоҳли ўрганишга эътибор берганлар.

Муҳокамада аввал маълум бўлган воқеа-ҳодисалардан ҳукм чиқариб, сўнгра маълум воқеа ва ҳодисаларни муҳокама этиш назарда тутилган. Муҳокамада талабаларга тўғри маълумотлар берилиб, кейин тўғри воқеа ва ҳодисаларни нотўғрилардан ажратиш олиш қобилиятини таркиб топтирганлар.

9-10 асрларда мадрасаларда дарс бериш учун йирик олимларни таклиф этиш анъанаси бўлган. Бундай тажрибадан фойдаланиш ўқувчиларнинг тўлиқ ва мустақкам билим олишларига замин яратади, ҳар бир талабанинг қобилияти аниқ намоён бўлади.

Ҳозирги кунда ҳам бундай усуллар баъзи янги мактаб турлари-лицейлар, гимназиялар, коллежларда қўлланилмоқда. Лекин умумий таълим мактабларида ўқитишга бўлган муносабатини тубдан ўзгартиришга тўғри келади. Шунингдек, дастурлар бўйича билимларни ўзлаштирган талабани синфдан-синфга, курсдан-курсга муддатидан олдин кўчириш каби ташкилий масалаларни ҳал этиш ҳам талабаларни рағбатлантиради.

Хуллас, маърифий тажрибалар республикамизни жаҳон тараққиёти даражасига қодир билимдон, ҳам ақлий ҳам ахлоқий жиҳатдан баркамол, соғлом инсонни шакллантириш муаммосини ҳал этишга ёрдам беради.

Мутафаккирлар ўз ишларида таълим ва тарбияга катта эътибор бериши натижасида билимларнинг услубий масалалари, инсон ва уни камолга етказиш муаммолари асосий ўринни эгаллай бошлади. Зеро, ақлий етукликни тарбиялашга, илмий билимларни ўрганишга доир таълимоти дарслик ва қўлланма сифатида ўқитилган. Яратилган ҳар бир рисола, ҳар бир асар ўзига хос таълим-тарбия услубига эга бўлган. Улар яратган ҳар бир асарда инсонни ақлий, ахлоқий, жисмоний камол топтиришнинг мақсад ва воситалари, таълим-тарбия мазмунини, услубини ўз ифодасини топган.

Таълим-тарбия тарихидан маълум бўлдики, ҳар бир шахснинг ақлий тарбиясида фикр тарбияси, тафаккурини ривожлантириш, зеҳни тарбиялашга катта эътибор берилган. Мактаб ва мадрасаларда талабаларнинг мустақил фаолияти, ижодий қобилиятини ривожлантиришга мантиқий тафаккурини оширишга йўлланган. Зукколик, фаҳм тезлиги, зеҳн ўткирлиги, билимни тез эгаллаш қобилияти, муаммоларни тез англаб олиш, ёдлаш қобилиятини ривожлантиришга, хотирани мустаҳкамлашга оид метод ва усуллари айниқса диққатга сазовор. Бунинг учун ўқитишга мос услублар ҳам танланган. Илмий мунозара, шарҳли ўрганиш, муаммоларни ҳал этиш, синов-тажриба каби услублар қўлланилиб, таълим услублари ҳар бир талабанинг қобилиятини намоён этишга, зеҳнини ўткир қилишга, тафаккурини ривожлантиришга ёрдам берган. Натижада аъло, яхши, ўртача даражада ўзлаштирувчилар ажралиб, улар билан машғулотлар ҳам ўзига хос, индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган тарзда олиб борилган. Гуруҳларда иқтидорли болаларга бериладиган билим ҳажми орттирилиб, улар маълум синовдан ўтгач, мактаб ёки мадрасани, ҳатто муддатидан олдин битириш имкониятига эга бўлган.

Талабаларга умумий билимлар билан бир қаторда, санъат асарларининг сирлари, муаммо санъати, абжад ҳисоби, турмуш одоби ҳам ўқитилган.

Буларнинг барчаси ўз навбатида чуқур билимга эга бўлишга, ақлий тарбия мукамаллигига олиб келган.

Баркамол шахсга хос иккинчи мезон юксак ахлоқийлик саналган. Ахлоқийликнинг асосий белгилари саховат, мурувват, қаноат, камтарлик, эҳсон, сабр, авф, саодат, ёрдам, олий жаноблик, ҳимматлардан иборат бўлиб, ҳавоий нафсдан сақланиш, кибр ва ҳавога берилмаслик, бадгумонлик, хиёнат, бўхтон, чақимчилик, бадфеъллик, ёлғончилик, жосуслик, ғийбат, зино, ғазаб, ҳасад кабилардан ўзни тозалаш тарғиб этилган.

Маърифий меросимизда инсонда ижтимоий ҳаётда, меҳнатда, турмушда гўзалликни ҳис этишни таркиб топтириш ҳам юксак ахлоқий ҳислат ҳисобланган.

Таълимий-ахлоқий асарларнинг барчасида ахлоқий ҳислатларга таъриф берилган, уни таркиб топтириш йўллари, усуллари кўрсатилган.

Педагогик фикр тараққиётида инсонни жисмонан соғлом этиб тарбиялаш ҳам энг муҳим саналган. Жисмоний етукликни таркиб топтириш ҳамма даврларда ҳам талаб этилган. Тарбия тарихида болаликдан мерганлик, сувда сузиш, овга ўргатиш, чавандозлик, кураш, ҳарбий-жисмоний тарбия, сипоҳгарчилик жанг ҳунарини ўргатиш, қиличбозлик, найзабозлик кабиларда катта эътибор берилган. Айниқса, жисмоний тарбия таркибида халқ табобатига оид тиббий тарбия асослари билан таништириш инсон мижози, тана қуввати учун талаблари, жисмоний машқлар, барчаси соғлом инсонни тарбиялашда зарур саналган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, биз ҳозирги даврда ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш андозаси (модел)ни ишлаб чиқдик. Зеро, комил инсон тарбияси республикамизни жаҳоннинг тараққий этганмамлакатлари даражасида кўрсатишга хизмат қилувчи салоҳияти, мустақил фикрлайдиган, эркин, ижодкор шахсни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

ШАХС РИВОЖЛАНИШИДА ФАОЛИЯТНИНГ ЎРНИ. Шахс ривожланишида ирсият, муҳит, тарбия билан бир қаторда инсон фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу дегани инсон қанчалик меҳнат қилса, унинг ривожланиши шунчалик юқори бўлади.

Фаолият ўзи нима? Фаолият шахс томонидан табиий ва ижтимоий ҳаётни мақсадга мувофиқ ташкил этилувчи кундалик, ижтимоий ёки касбий ҳаракатларнинг муайян шакли, кўриниши. Инсоннинг қобилияти ва ёши у томонидан ташкил этилаётган фаолият моҳиятига кўра белгиланади.

Фаолият жараёнида инсон шахси, ҳар томонлама ва бир бутун, яхлит ҳолда ривожланади. Лекин фаолиятни мақсадга мувофиқ амалга ошириши учун уни тўғри ташкил этиш лозим. Лекин кўп ҳолатларда шахснинг ривожланиши учун имкониятлар яратилмайди, тарбияланувчиларнинг ижтимоий меҳнат, билиш фаолиятлари чекланган бўлади.

Ўсмир ва ўспиринлар фаолиятининг асосий турларига ўйин, ўқиш ва меҳнат киради. Улар йўналишига кўра билишга доир, ижтимоий, спорт, бадий, техник, хунармандчилик ҳамда шахсий қизиқишга кўра танланган соҳалардан иборат. Фаолиятнинг асосий тури – мулоқотдир.

Фаолият фаол ва пассив бўлиши мумкин. Ўсмир фаолияти муҳит ва тарбия таъсирида фаоллашиши ёки сусайиши мумкин. Инсон шахсининг ривожланишида унинг бутун вужуди билан севиб, ўз имкониятларини намоён этиб, меҳнат қилиш, ўзини шахс сифатида кўрсата олиши унда ўз фаолиятдан қониқиш ҳосил қилади. Унинг ижтимоий меҳнатдаги иштирокида фаоллик кўзга ташланади.

Таълим жараёнида фаоллик ўқувчига билимларни чуқур ва мустақкам эгаллашга, ўз қобилиятини намоён этишга йўллайди. Билишга бўлган фаоллик ўқувчининг интеллектуал ривожланишини таъминлайди.

Фаоллик кўрсатишнинг асосини эса ҳамма вақт эҳтиёж ташкил этади. Эҳтиёжларнинг хилма-хиллиги фаолиятининг ҳам турларини кенгайтиради. Шунга кўра, ўқувчининг турли ёш давларида уларнинг фаолияти турлича бўлади. Таълим муассасасида ҳамма вақт бир хил талаб шахс ривожланишида ижобий натижа беравермайди. Турли ёш давларида фаолиятнинг турлари ва моҳияти ўзгариб туриши керак.

Инсоннинг ижтимоий фаоллиги, қобилияти барча муваффақиятларининг гаровидир. Чунки ҳар бир инсон ўз меҳнати, ғайрати, интилиши билангина фаоллашади. Ўқитувчи қанчалик яхши ўқитмасин ёки тарбия бермасин, тарбияланувчининг ўзи ҳаракат қилмаса, ривожланиш муваффақиятли кечмайди. Зеро, барча маънавий-ахлоқий камчиликларнинг асосий сабаби ҳам инсоннинг ўз фаолиятини тўғри йўлга қўймаганлигидадир.

Шунинг учун ҳам инсон фаолияти унинг ривожланиши натижаси ҳамдир. Демак, шахс фаоллиги асосида ижтимоий фаоллик, ташаббускорлик, ижодкорлик хислатларини шакллантириш – унинг шахслик имкониятларини намоён этиши орқали фаолиятини ривожлантириш муҳим саналади.

Шахсни жамоада тарбиялаш технологияси

Ўзбекистонда миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва қатъий қарор топтириш ниҳоятда мураккаб тарихий ва ижтимоий-сиёсий вазиятларга тўғри келмоқда. Фуқаролар онги ва дунёқарашили, руҳиятини эскича қарашлардан, боқимандалик, ташаббуссизлик, мутеълик, қарамлик каби иллатлардан соқит этиш, тозалаш яна ҳам мураккаб ижтимоий муаммодир. Бу даражада улкан ва кенг миқёсли тадбирларни жамият ҳаётининг барча жабҳаларида босқичма-босқич, бир текисда уйғун ва изчил амалга ошира бориш учун янги замон талабларига жавоб бера оладиган, янгича онг ва дунёқарашга эга бўлган, эркин, ижодий ва мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялаб етиштириш энг муҳим вазифаларимиздан биридир.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» китобида мамлакатимиз ва давлатимиз олдида турган бундай улкан вазифани ҳал қилишнинг йўл-йўриқларини қуйидагича кўрсатиб берган эди: «Ўтиш даврининг кескин ижтимоий муаммоси кўп кишилар учун қарор топган турмуш тарзининг бузилишидан, ҳаётий мўлжалларнинг, фикрлаш тарзи, ижтимоий феъл-атвор, боқимандалик кайфиятининг ўзгаришидан иборат. Ўтиш даврида одамларнинг тафаккур юритиш психологияси ўзгаради, бу эса, аёнки, ҳамма вақт ҳам осон кечавермайди.

Халқимизнинг маънавий бойликларини, жаҳон цивилизацияси энг яхши ютуқларини ўзида мужассамлаштириш бугуннинг энг муҳим вазифасидир. Фақат ана шу асосдагина, олдимизга қўйган юксак мақсадлар барчамиз учун ҳаётимизнинг мазмунига айланиб қолгандагина миллатнинг онгли ватанпарварлик руҳини юксалтириб, ривожланган илғор мамлакатлар каби тараққиёт йўлидан илдам қадам ташлаш имкони туғилади»¹.

Бу вазифалар, ўз навбатида, нафақат иқтисодий, сиёсий соҳаларда, балки, шу билан биргаликда, маънавий-маърифий соҳаларда ҳам, хусусан

¹. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида . . . Тошкент, 2000, 215-бет.

унинг таркибий кисми бўлган таълим-тарбия тизимида ҳам чуқур ислохотлар ўтказилишини тақозо этмоқда.

Талаба-ёшларда инсонпарварлик фазилатлари, энг аввало уларнинг ўзидан катта ёшдагилар – ота-она, яқинлари, ўқитувчилар ва бошқалар билан бўлган муносабатлари орқали шаклланиб, сўнг тенгқурлари билан муносабатларда такомиллашади. Шу маънода инсонпарварлик шахс таърифи ва тавсифининг бош мезони сифатида, унинг шахс руҳиятида вужудга келиш, шаклланиш ва тараққий этиш жараёнлари ва қонуниятларини ўрганиш ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда, уларнинг ҳар томонлама уйғун тараққий этишларини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу ўринда узлуксиз таълимни ҳам инсонпарварлаштириш муҳим вазифадир. Таълимни инсонпарварлаштириш йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- авторитар педагогикадан ҳамкорлик педагогикасига ўтиш, ўзаро мулоқот маданиятини юксалтириш, ўқитувчи ва талабаларнинг руҳий-психологик мослашувини такомиллаштириш, таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш;

- таълим-тарбия жараёнларининг қўшиб олиб борилишига эътиборни кучайтириш, инсонга шахс сифатида ва жамиятнинг энг юксак қадрияти сифатида ёндошиб, унинг манфаатлари ва ҳуқуқларининг устуворлигига диққат-эътиборни қаратиш;

- ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида инсон фаолиятининг аҳамиятини, ўтмишдаги ва ҳозирги замондаги миллий маданиятнинг инсонпарварлик қийматини очиқ кўрсатиш;

- бўлажак мутахассисларда гуманитар тафаккурнинг маънавий-руҳий қадриятларини шакллантириш, асл зиёлиликни қайта тиклаш;

- иймон-этиқоднинг суғлигига, маънавий тубанликка нисбатан бефарқ қарамасликни кенг ёйиш ва тарбиялаш;

-маънавият инсон дунёқарашининг асосини ташкил этишини ўқитиш, ахлоқнинг киши онгини шаклланишидаги муҳим ўрнини эътиборга олиш.

-маънавияти ва ахлоқи мукаммал бўлмаган киши - яхши мутахассис ва ватанпарвар бўла олмаслигини англаб этишини таъминлаш;

-берилаётган билимларнинг ўзи орқали, фанларни ўқитиш воситасида тарбиялашни йўлга қўйиш, билимларнинг тарбиявий кучи, таъсири ва аҳамиятини ошириш;

-эстетик тарбия ва бадиий таълимнинг турли-туман воситаларидан фойдаланиш орқали уларнинг сифати ва самарадорлигини, салмоғини юксалтириш;

-гуманитар таълимнинг услуб ва шакллари, мазмуни ва моҳиятини тубдан ўзгартириш;

-таълим тизими бошқарувини истеъдодли ёш мутахассислар ҳисобига бойитиш, кадрларни танлаш ва жойлаштиришда тест-рейтинг тизимларидан унумли фойдаланишни кенг йўлга қўйиш;

-маънавий-ахлоқий жиҳатдан камол топган ва давр талабларига тўла жавоб берадиган юқори малакали мутахассис қиёфасининг илмий тадқиқ этилган модели ва олий ўқув юртида уни тайёрлашнинг аниқ услубиёти, андозасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

-олий ўқув юртларига қабулни тест-рейтинг тизимида ўтказишни янада такомиллаштириш; абитуриентнинг маънавий-ахлоқий сифатлари ва психо-физиологик имкониятларини аниқловчи тестлардан ҳам фойдаланиш;

-хорижий сармоялар иштирокида қурилаётган корхоналарда ишлай оладиган мутахассисларни ўзимизда ёки чет элларда етарли даражада тайёрлашга эришиш; чет элдан ишчи кучи кириб келишига зарурат туғдирмаслик тадбирларини кўриш.

Талабаларда гуманистик тафаккур шаклланишининг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Бошланғич (тафсилий-баёний) босқич – талабаларни билимларнинг, жумладан гуманитар билимларнинг асосий негизлари билан таништириш, уларнинг ижтимоий аҳамиятини баён этиш, билимларни тоифалаштириш йўлларини ўзлаштиришга эришиш, асосий махсус фанларни ўрганиш жараёнида онг ва дунёқараш белгилари ҳамда йўналишларининг шаклланишини таъминлаш.

2. Юқори (мантикий-умумлашган, илмий англаган) босқич – талабаларда бир бутун дунёқарашнинг шаклланиши, ўзини қуршаган олам (табиат ва жамият) нинг моҳияти ва қонуниятларини ҳамда табиий-илмий, техник ва ижтимоий фанларнинг ўзаро алоқалари ва ўзаро таъсирини таълим жараёнида тушунишини ўз ичига олади.

Узлуксиз таълим-тарбия тизимининг юқоридаги ҳар бир қисми, унга уюшган жамоаларнинг фаолияти инсонпарварлик йўналишида бориши учун, аввало ҳар бир мураббий малакали мутахассис ва иймон-этиқодли комил инсон бўлиши шарт. Узлуксиз таълим-тарбия тизими инсонпарварлик йўналишида шаклланиши учун унда ишлаётган кадрлар юқори малакали, маънавий олами бой, ахлоқий пок бўлиши учун давлат томонидан зарур тадбирлар белгиланиб амалга оширилмоқда. Жумладан, аввало уларнинг моддий турмуш шароитини яхшилаш илмий-маданий савияси изчил ошиб бориши учун ғамхўрлик қилиш тадбирлари кўрилмоқда. Токи улар ёшлар учун энг юксак намуна-идеал кишилар бўлиб қолмоғи лозим.

Таълим-тарбияга эски мафкуравий ёндашиш қолиплардан барҳам бериш, бу тизимнинг ўз-ўзидан самарали ишлаши учун бошқаришнинг эски маъмурий-буйруқбозлик усули ва анъаналаридан онгли равишда узил-кесил воз кечиш зарур. Таълимни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усули бу тизимни ўз-ўзидан бошқарилишига йўл қўймасликка асослангандир. Бунга кўра, биров юқорироқ маҳкама ходимининг айтган гапи, фармойиши, ўзидан

қуйида турган маҳкама ходими учун қонундек қабул қилиши лозим эди. Яъни қонунни бажаришдан кўра топшириқни, фармойишни бекаму-куст бажарашига қараб кадрлар ишига баҳо берилган. Бундай муносабатларда, албатта волонтаризм(иродалилик) қарор топиб, мажбурий итоаткорлик руҳи таълим тизимининг ғайриинсоний йўналиш олишига шароит туғдиради. Ўз-ўзидан бошқарилиш тизимида эса, ҳар бир поғона ўз функциясини англаши ва уни қай даража бажаришига эришиш муҳимдир. Янги тизимда маъмурий-буйруқбозлик ўрнини ўз функциясини аъло даражада бажаришдан моддий манфаатдорлик ва қониқиш ҳисси эгаллаши лозимдир.

Бозор муносабатларининг қарор топиши учун ҳар бир соҳада, жумладан, таълим-тарбия тизимида ҳам ўзаро соғлом рақобат бўлиши инсонпарварликни рўёбга чиқариш омилларидан биридир. Бунинг учун боғча боласининг ижодий фаолиятдан тортиб мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, ОТМ талабаларининг билимини баҳолашнинг рейтинг тизимига узил-кесил ўтиш ва унинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш даркор. Билимни баҳолашнинг тўрт балл (аъло, яхши, қониқарли, ёмон) тизими ўзини оқламайди, ўқувчи ва талабалар эркини бўғиб, уларнинг ижодий фикр юритишларига монеълик қилди. Баҳолашнинг рейтинг тизимида ўқувчи-талабалар фаоллигини ошириш, уларнинг ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ва инсонпарварликни амалда рўёбга чиқариш воситаси сифатида қараш шундай баҳоловчи марказга эҳтиёж туғдиради. Баҳолашнинг рейтинг тизими талабларини билмаслик, унинг тамойилларига изчил амал қилмаслик жойларда ўзбошимчаликни юзага келтириб қўйиши мумкин. Шунинг учун боғча болалари, ўқувчилар ва талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизимига узил-кесил ўтиш Республика марказини ташкил этиш зарурияти пайдо бўлмоқда. Айни чоғда боғча тарбиячилари, мактаб ўқитувчиларининг боғча ва мактабдан ташқари ишлари, ОТМ профессор-ўқитувчиларининг аудиториядан ташқари ишларни ҳам рейтинг тизими бўйича баҳолаш ва рағбатлантиришга ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Билимларнинг ва фаолиятни баҳолашнинг ҳозирги мавжуд тизими уларнинг ишига баҳо бериш ва муносабат белгилашда субъектизмга ва волюнтаризмга йўл очади. Тарбиячи ва ўқитувчининг ўз вазифасига нечоғлик муносабатда бўлаётганини аниқлайдиган мезон йўқ. Шунинг учун кўпгина жойларда ўқитувчининг ҳар куни 8 соат иш жойида бўлиши уларнинг ишини баҳолаш мезони бўлиб қолаяптики, бу илмий-педагогик ишлар ривожига ва такомили учун катта бир ғовдир. Чунки, ўқитувчилик, тарбиячилик ижодий иш экани бу услубга кўра ҳисобга олинмайди. Таълим ва тарбия билан шуғулланувчиларнинг дарсдан ва аудиториядан ташқари ишларини баҳолашнинг рейтинг тизимига ўтилса, улар ўртасида соғлом рақобат, мусобақадорлик муҳити юзага келади. Таълим-тарбияда соғлом рақобатни юзага келтириш учун хусусий боғчалар сонини кўпайтириш, хусусий мактаб ва олийгоҳлар тизимини яраташни жиддий ўйлаб кўриш мақсадга мувофиқдир. Талим-тарбиянинг қарор топган мавжуд анъанавий, ижобий жиҳатларни сақлаб қолган ҳолда Шарқ педагогикаси ва таълим методикасини ўрганиш ва унинг энг яхши жиҳатларини ҳаётга татбиқ этиш чораларини кўриш муҳимдир. Чунки, Шарқ педагогикаси ва методикаси инсон маънавий оламини мунаввар этишга, унда жамият олдидаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда феъл-атвор ва фаолият мазмунини белгилашга асосланган. Ўқитувчи-ўқувчи муносабатларида устоз-шогирдлик муносабатларини қарор топтиришда тасаввуф фалсафаси ва амалиётидан ижодий фойдаланиш ҳам зарур.

Шуни таъкидлаш ўринлики, кўпгина ўқув режалари, дастурлари ва уларга асосланиб ёзилган қўлланмалар, дарсликлар, ўқув-услубий ишланмаларда Европапарварлик руҳи сезиларлидир. Бундай руҳият, энг аввало, билимларни, малакаларни маънавий-ахлоқий мазмундан ҳоли, қилиб тақдим этишда кўринади ва ҳар қалай билимларни ҳар кимга бераверишни қоида даражасига кўтаради. Билим ва малаканинг тарбиявий аҳамиятини деярли йўққа чиқаради. Янги ёзилаётган ўқув дастурлари, қўлланмалари ва дарсликларида ҳам бу каби камчиликлар учрайди. Бинобарин, таълим-

тарбияни миллий заминда ривожлантириш ана шу қусурни тезроқ бартараф этишга ёрдам беради.

Шунингдек, ижтимоий-гуманитар фанларни, уларнинг мазмуни ва вазифаларидаги ўзаро яқинликка мувофиқ равишда бирлаштириб, йириклаштириш инсоншунослиқдир. Масалага бундай ёндашув ижтимоий-гуманитар фанларнинг сон жиҳатдан тобора кўпайиб боришига ва бунинг оқибатида юзага келган ўринсиз такрорланишларга барҳам бериш билан бирга, таълим-тарбия жараёнларнинг сифат жиҳатдан ҳам яхшиланишига ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўзаро умумлаштирувчи назарий-методологик тамойиллари, уларнинг бошқа фанлар хусусан аниқ ва табиий фанлар билан чегарадош ва чатишган жиҳатлари тўғрисида кўпроқ янги маълумотлар устида ишлаш имкониятлари туғилган бўлар эди ва бунга кенг йўл очиларди.

Узлуксиз таълим-тарбия тизимининг инсонпарварлик йўналишда шаклланишида ижтимоий-гуманитар фанларнинг алоҳида ўрни ва роли бор. Шунинг учун барча таълим муассасаларида уларни ўқитадиган кадрлар ҳар жиҳатдан ўз соҳасининг билимдони ва моҳир педагог, шунингдек, ҳамкорлик педагогикасини, таълимнинг янгича, замонавий технологияларини мукаммал эгаллаган бўлишга эришиш керак.

Таълим-тарбия жараёнини инсонпарварлаштиришда бу соҳадаги халқаро алоқалар, илғор жаҳон тажрибаларини, хорижий гуманитар таълим ютуқларини, илғор технология ва маданиятни кенг қўллаш, олий таълим ходимларининг халқаро маданий-маърифий ва илмий алоқаларини кенгайтириш, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашни тақозо этади.

Таълимни инсонпарварлаштиришда таълим ва тарбия йўналиши инсон маънавий оламини гўзаллаштириш ва руҳини поклашнинг муҳим воситаларидан бири сифатида қаралиши ва муносабат белгиланиши лозим. У ташкилий, услубий, ҳуқуқий-меъёрий, педагогик, психологик тадбирларни ўз ичига қамраб олади. Бундай тадбирлар мажмуи табиий-илмий ва техник

билимлар доирасига кириб боришини таъминлашга, тафаккурнинг соҳавий технократик тарзи билан чекланмасдан, бўлажак касб эгалари, мутахассисларнинг кенг миқёсли (фалсафий) тафаккур тарзи ҳам қарор топтирилишида асосий эътибор қаратилади.

1. Баркамол авлодни тарбиялашда узлуксиз таълимни инсонпарварлаштириш усуллари илмий-методик жиҳатдан асослаш билан бирга узлуксиз таълим тизимидаги она тили, ўзбек тили, маънавий асослари, педагогика фани ўқитувчиларига назарий ҳамда амалий ёрдам бериш мақсадида қатор тавсиялар яратиш.

2. Ўқувчи-талабаларнинг миллий ғоя бўйича дунёқарашларини, инсонпарварлик ҳис – туйғуларини таълим жараёнида қўллай олишга бўлган қизиқишларини амалга ошириш, таълимни тарбиявий ривожлантиришга ўргатиш учун амалий ишларни бажартириш дастурини татбиқ қилиш.

3. Баркамол авлодни тарбиялашда узлуксиз таълимни тарбиявий ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган усулларнинг самарадорлигини тажрибада текшириш.

4. Ўқувчи-талабаларнинг инсоний фазилатларини дунёқарашини, миллий ғоялари асосида инсонпарварлаштириш ва ривожлантиришга эришилса;

- баркамол авлодни тарбиялашда таълимни инсонпарварлаштириш ва тарбиявий ривожлантиришни тўғри йўналтиришга тўсиқ бўладиган асосий сабаблар ўз вақтида аниқланса;

- тақдим этилаётган, дастур, дарслик, ўқув қўлланмаларининг давлат таълим стандартларига мос методик томондан талаб даражасида бўлишлигига эришилса;

- кўзда тутилганидек, узлуксиз таълим тизимидаги ўқувчи-талаба ёшларнинг дунёқарашини, инсонпарварлик ҳис туйғуларини тўғри ривожлантириш боради ва уларнинг баркамол шахс бўлиб етишишига янада кенгроқ замин яратилади, деган илмий хулосага келинди.

Ёшлар жамоаси - тарбиянинг энг мухим омилидир. Ёшлар жамоасининг узи нима? Ёшлар жамоаси умумий фаолият максадлари асосида бирлашган, жамиятнинг бир кисми булган ва ана шу жамият максадларига буйсунган уюшмадир.

Юксак гоаявий йуналишга эга булган, умумий максад, харакатларнинг бир-бирига мослиги ва уюшкокклиги билан бир бутун, ниhoятда хамжихат, соглом хамда муайян максадни кузловчи жамоани уюштириш оркали тарбиялаш - ёшларга тарбия беришнинг асосий тамойилларидан биридир. Бундай ёшлар жамоаси тарбиячининг таянч, ёрдамчиси, тарбиявий таъсирнинг кудратли куролидир.

Жамоа ва ёшлар уларнинг бир-бирига боғликлиги гоаят даражада чексиздир. Чунки одам шахс сифатида тугилмайди, у индивид сифатида дунегга келади. Одамлар яъни ота-оналар, атрофдаги кишилар билан булган мулокотда, узаро муносабатларда шахсга айланади. Бу нарса ясли ешидаги болалар орасида утказилган илмий тадқиқотлар асосида исботланган. Агар катта ешдаги одамлар бола билан муносабатда булмасалар, бола билан “гаплашмасалар” ва уйнамасалар, у аклий ва хиссий тараккиет жихатдан кескин сурагда оркада қолиб кетади.

Шахс онг эгаси булган одамдир, онг эса факат табиий ходисалар оламинигина акс эттириб қолмаи, балки шахс инсоният тажрибаси асосида тупланган нарсалар илан муносабатда буладиган ижтимоий онг махсулотларини хам акс эттиради. Абдулла Кодирый, Чулпон, Усмон Носир кабилар мактаб укувчиси шахсини таркиб топишига таъсир курсатишда унинг якин қариндошлари ва хамкасбларининг таъсир курсатишидан қолишмайди. Бола уйинга адабий қахрамонга тақлид қилишига интилиши, мунозараларда қатнашиши буларнинг хаммаси мактаб укувчиси шахсини фаолигининг намоен булишидир.

Бола шахсини таркиб топиши жамоада амалга ошади. Бундан бола аввало узи хақида учинчи шахс тилидан гапиради. Масалан: “Ақидани уйнагиси қеляпти”. Ундан кейин болани уз-узини англашининг содда шакли сифатида

уз характер хислатларини англаш юзага келади. Лекин факат ёшлар жамоасининг бошка аъзолари билан буладиган муносабатдагина боланинг уз-узини англаши жамоада уз ролини англаш даражасигача кутарилади. Бошкалар уни “яхши” еки “ёмон” деб баҳо беришларини тушунгандан кейингина бола уз-узига баҳо беришни урганади. Мана шундай йул билан таклид килиш юзага келади. Аввал киска муддатли баъзан тасодифий жараен сифатида, ундан сунг эса жамоанинг етарли даражада фаол таъсир курсатиши туфайли шахснинг хислати сифатида уз-узини танкид килиш хислати юзага келади. Шунинг учун тарбиянинг муваффакиятли шартларидан бири - шахсни “жамоада ва жамоа оркали таркиб топтиришдир”.

Усмир уз тенгкурлари, жамоа хаёти ва фаолиятида фаол иштирок этиб, жамоа манфаатларини кузлаб яшашига ҳамда уз хатти-харакатларини ана шу жамоага буйсундиришга урганади. Укувчи факат жамоада ва жамоа таъсири остида жамоа узаро бирдамлик муносабатлар тажрибасини, ижтимоий йуналишни тараккий эттириш, шахс ва жамият уртасидаги тугри муносабатлар тажрибасини эгаллайди. Жамоадан ташкарида бундай сифатларни умуман тарбиялаб булмайди. Шунингдек, етнгхурлар жамоаси шахснинг барча ижобий сифатларини (камтарлик, виждонийлик, каътийлик, уз-узини тута билиш ва х.к.) таркиб топтириш ва тараккий эттиришга таъсир курсатади. Жамоа ялковлик, худбинлик, ичи коралик, куркоклик, уз-узини тута билмаслик, икки юзламачиликни фoш килиб ташлайди. Муваффакиятсизликдан гангиб колмасликка кумаклашади, узини йукотиб куйиш, тушкунлик ва узига булган ишончни йукотишга йул куймайди, яъни ёшлар уз тенгкурлари жамоасини узини кузгуда кургандек булади. Узининг яхши ва ёмон хислатларини ва жамоадошларнинг яхши ва ёмон сифатларини билиб олиш билан бирга уларга ва хар кандай хислатларга ижобий ёки салбий муносабатни акс эттирадилар.

II Ёшларнинг узига хос хусусиятлари турлича булиши сабабли жамоанинг ҳам ташкил топиши ва унинг фаолияти унга богликдир. Чунки

жамоанинг йуналиши фақат жамоада таркиб топади. Шунинг учун жамоа узаро муносабатлар ва жамоа фаолият тажрибаси шунчаки, катъийликни эмас, балки жамоакатъийлигини, шунчаки камтарликни эмас, балки жамоа камтарлигини таркиб топтиради. Жамоа тарбиявий таъсирининг асосий томони шундаки, у тарбия субъекти сифатида намоён булади.

Ёшлар жамоасини ташкил қилишда катталарнинг жамоа куллаб-култиклайдиган талабларидан жамоада уз аъзоларига мустақил равишда ҳамда уз ташаббуси билан талаблар қуйишга ва уларни бажарилишини назорат қилишга ута олиш, катталарнинг бевосита педагогик таъсирида жамоа орқали таъсир курсатишига утиши муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар жамоасининг асосий вазифаси - жамоа ижтимоий фойдали фаолиятини ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий ахлоқ тажрибасини йулга қуйишдан иборатдир. Чунки, бунинг асосида юксак ижтимоий аҳамиятга эга булган мақсадларга интилиш ҳисси тарбияланади, қомил инсоннинг ҳислатлари ҳосил булади.

Усмирлар айниқса катта мактаб ёшидаги укувчиларнинг жамоасига нисбатан бачканалик ва хиралик билан васийлик қилиш ярамайди, ташкил топган ёшлар жамоасининг йил сайин узиб бораётган маънавий қучларга ишониш лозим. Анча етук ва тажрибали кишилар томонидан курсатилган ердан, бериладиган маслаҳат зарурдир, ҳатто катта мактаб ёшидаги укувчиларга ҳам катта ёшдаги дуст ва маслаҳатчи, меҳрибон, гоёвий жихатдан чиниккан мураббий лозим.

Мураббий раҳбар жамоанинг аҳил, жуда инок ғипсланган бўлишига, шунингдек унинг гоёвий йуналишига, соғлом жамоа фикрига, танқид ва уз-узини танқидга жамоанинг ҳар бир аъзосига нисбатан юксак талабчанликка эга булган жамоа бўлишига эришиши лозим. Агар жамоа олдига ижтимоий фойдали ва айнаи вақтда қизиқарли мақсад қуйиладиган бўлса, ижобий сифатлар таркиб топиши мумкин. Қизиқарли мақсад қуйиш жуда муҳимдир, чунки усмирлар ва айниқса қичик мактаб ёшидаги болалар бу мақсад ижтимоий аҳамиятга эга булганлиги учунгина унга ҳамиша ҳам қизиқавермайдилар. Тарбиячининг вазифаси ва ундан қелиб қикадиган

махорати бирор вазифани укувчиларга уларни кизиктирадиган килиб куя олишида, унинг ижтимоий фикри факат тушунарли булибгина колмасдан, балки якин, кадрли, нимаси биландир шахсий килиб тушунтира олишда ҳам куринади.

Ёшлар жамоасини ташкил топиши албатта унинг ташкилотчиси, уни эътикод ва дунёқаришига боғлиқдир. Ёшлар жамоаси уз лидери ва унинг оркасидан борадиган ёшларнинг хатти-харакатларига ҳам боғлиқдир. Маълумки, хозирги кунда мустакил Ўзбекистоннинг мустакиллигини кура олмаган кишилар узига хос ва максоди хусуматдан иборат булганлар жамоаси хезбут-тахрир, ваххобийлик каби жамоалар пайдо булди. Бу жамоа купрок корпорация тариқасида пайдо булиб ёшларни тугри йулдан адаштирмоқдалар. Бизнинг асосий максадимиз бу йулдан адашган ёшларни тугри йулга солишдан иборатдир.

Ёшлар жамоасини ташкил қилишда:

- ёшларни ёш хусусиятларини ҳисобга олиш;
- уларни жамоа учун жавобгарликка ва узаро ёрдамга одатлантириб бориш;
- жамоани жипслаштириш ва бирлаштиришга эътибор бериш;
- жамоада уз бурчини англашга, мажбуриятни ҳис қилишга ургатиб бориш муҳимдир.

ХУЛОСА

Ёшларни жамоа учун тайерлашда:

1. Уларни жамоат оркали инсон хакикий инсон булиши мумкинлигини;
2. Жамоадаги кишилар гурухининг махсад ва вазифалари бир булишини;
3. Улар жамоадагилар билан бир тан, бир жон булиб яшаши лозимлигини;
4. Жамоанинг муваффакияти – сенинг ҳам муваффакиятинг булиши;
5. Жамоада бир-бирини ташвиши, кувончи сенинг ҳам ташвиш ва кувончинг эканлигини тушунтириш лозим. Хаммадан ҳам хакикий жамоа уз Ватани учун содик булиши ва “Юртим деб, элим деб жон куйдириши” лозимлигини англаш мухимдир.

Жамоа оркали ёшларни тарбиялашда бола, усмир ва успирин узини кузгуда кургандек хис килиши мухимдир. Чунки ёшлар хакикий жамоадагина узини-узи англайди, камчилик ва ютуклари, салбий ва ижобий сифатларини фарклайди, жамоадаги идеал кишилардан урнат олади, уларга ухшашликка харакат килади, узини-узи тарбиялаш имконига эга булади. Уз-узини тарбиялаш эса инсоннинг ахлокий сифатидир. Унда ёшлар узини-узи кулга олади, салбий сифатларидан холи булишига яхши сифатларни узида шакллантиришга харакат килади. Бу эса жамоанинг шахс шаклланишига ижобий таъсир этишидир.

Ёшларни шахс сифатида шаклланишида ёшлар уртасида утказиладиган тарбиявий тадбирлар катта рол уйнайди. Чунки ёшлар уртасида утказиладиган, айникса мактабларда уюштирилган тадбирлар - жипслашган болалар жамоасини ташкил этишда мухим воситалардан биридир. Укувчиларни жамоа килиб жипслаштириш учун даставвал умумий махсад булиши керак, хамманинг манфаатига тугри келадиган, бутун синф учун умумий иш булиши махсадга мувофик. Кейин жамоа орасида ишларни аниқ тахсим килиш ва уни бажарилишини мунтазам равишда текшириш лозим. Бунда хамма бир киши эканлиги сезилиб туриши лозим. Бу мактаб жамоатчилик топширигини яхши бажарган синф, мактаб шарафи (хозирги кунда бундай тадбирлар махаллаларда ҳам утказилиши махсадга мувофик),

синф учун, мактаб ва маҳалла учун фахрланиш нималигини тушуниб олиш имконини беради. Мактабларда, маҳаллаларда, кечалар, эрталиклар, экскурсиялар, байрамларни биргалашиб утказиш ёшлар жамоасини тузишга ва уни мустахкамлашга ердам беради.

Мактабдаги ёшларни ҳамжихат жамоа қилиб уюштиришда мактаб деворий газетаси катта рол уйнайди. Чунки газеталарда ёшларнинг (марказий, шаҳар, район ёшлар газетаси ҳам), дарсларни узлаштириш, ёшларнинг узаро ва катталар билан муносабати, меҳнатга муносабати, ютук ва камчиликларини еритиши уларни узини англаш, узига узи баҳо бериш каби сифатларни шакллантиради. Хар бир ёшнинг гоёвий-сиёсий савияси, билимларни яхши узлаштириши, онгли интизомли, жамоатчилик онгининг ташкил топиши, жамоат учун фойдали малакалар ҳосил қилиш ва умумий ривожланиш қабилар муваффақият билан ҳал этилади. Агар ёшлар учун чоп этиладиган газеталар тугри йулга қуйилган тақдирда, у ёшлар жамоасини тузишининг муҳим воситасига айланади.

Мактабда мактаб жамоасини уюштириш, ёшлар қамолот жамғармасида бўлиб турадиган йиғилишлар ҳам шахс шаклланишида катта аҳамиятга эгадир. Йиғилишлар ёшларнинг фуқаролик бурчини англаш ҳиссини устиради, уларни танқид ва уз-узини танқидга ургатади. Ёшларнинг йиғилишида энг долзарб ва энг қизиқарли масалалар бўйича баҳслашиш уларда ҳаётий эътиқод ва дунёқарашнинг барқарор шаклланишига таъсир қилади ва муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан умумий бир фикрга қелиш, факт ва мулоҳазаларни таҳлил қилиш ва ундан тегишли ҳулосалар чиқаришга имкон туғилади.

Ёшларни жипслашган жамоа қилиб бирлаштиришнинг муҳим воситаларидан бири ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишдир. Биргалашиб меҳнат қилиш жараёнида ёшларда ахлокий жихатдан муҳим бўлган қўлгина фазилатлар ҳосил бўлади. Ёшлар жамоа бўлиб меҳнат қилишлари натижасида жамоанинг қандай қўлга эга эканлигини тушунадилар, қийинчиликларни енгишга ва бошлаган ишни охиригача

етказишга урганадилар. Ижтимоий ишлар ёшларнинг масъулият хисларини кучайтиради, жамоатчилик туйгуларини мустахкамлайди, уларни жамоада узаро муносабатларга ургатади.

Ёшларнинг умумий бир мақсадга интилишлари, гоёвийлиги, ижтимоий-сиёсий фаолликлари, Ўзбекистоннинг Мустақиллигига қўшган ҳиссалари, орзулари - ёшлар жамоасини ташкил топиши ва унда ёшларнинг қомил инсон шаклида шаклланиши ёшлар жамоасини тузишга асос бўлади.

Ёшларни ҳамжихат жамоа қилиб жипслаштиришда авлод-аждодларимиз, ота-боболаримиз мерос қилиб қолдирган билимларни эгаллаш, санъатимизнинг, маданиятимизнинг сирларини урганиш, ўзбек халқининг ажойиб ананаларидан фойдаланиш ҳамда уларни ёшлар онгига синдириш катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбек халқининг энг яхши ананалари катталарни ҳурмат-иззат қилиш, меҳмондустлик, увор ва ундан қўрқиб, узаро ҳамкорлик, ҳашар йўли билан битмаган ишларни жамоа бўлиб ботириш, катталар билан саломлашиб утиш, қарияларга ёрдам бериш, йўл бериш, қўлини қўксига қўйиб сурашиш, тўй ва маросимларда ёрдамлашиш қабил қўлаб ишларга ҳайрихоҳлик билдиришни ва уларни ёшлар онгига синдириш - бу қўндалик ҳаётимиз жараёнида, ёшлар билан узаро муносабатлар, қўзнома ва ойномалар саҳифаларида, айнан жаҳон эшиттиришларида қўймо олиб қўрилиши мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. Тошкент, 1997.**
- 2. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Тошкент, 1997.**
- 3. Э.Ғозиев. Психология. Т.: 2006 й**
- 4. Нишоналиева У. Турсунов И. Педагогика курси. Тошкент, 1996.**
- 5. Педагогика Н.Ғайбуллаев ва бошқаларнинг маърузалар матни. Тошкент, 2001.**
- 6. Р.Мавлонова ва бошқалар. Педагогика. Тошкент: Ўқитувчи, 2001.**
- 7. А.Мунавваров. Педагогика. Тошкент. Ўқитувчи. 1996 й**
- 8. Н.Саидахмедов. Педагогик технологиялар. Т. 2005й**